



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадри дўстлар!

Сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакиллари, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изхор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққийлаётган, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз, азиз журналистлар фаолиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаганини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт куриши, мамлакатимизни янгилик ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодий ҳаётини самарадорлигини ошириш йўлида тўқиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сийосатни олиб бориш бўйича тўғри йўлни танлашда матбуот соҳасининг кўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий олами шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгариштиришда, уларни муштақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга ҳалақат бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзининг бурчим деб биламан.

Биз муштақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг миқдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сонини 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган инти-

лининг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода муштақиллигига эришиш, бунинг учун авваламбор уларнинг молиявий муштақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва гоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакиллари фаол иштирокида ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлни ичдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодий-иқтисодийга катта зарар етказиши мукаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига ҳолисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тўзатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида хурмат-эътибори, айни пайтда масъулияти ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйлайманки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳаммизга қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзининг энг яқин ҳамфибри ва маслакдошларим, деб билишимни изхор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қўлаб, барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Учинчидан, бундай юксак даражада кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

Тўртинчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, авваламбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётини принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир таклифни сизлар билан ўртоқлашишни хоиз, деб биламан. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайди этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни муддао бўлар эди.

Бунда айниқса таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйлайманки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта рол ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш керакки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилади, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги тўғрисида улар кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлни ичдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодий-иқтисодийга катта зарар етказиши мукаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтиришни кўзда тутадиган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига ҳолисона кўз билан қараб, мавжуд аҳволни тўзатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида хурмат-эътибори, айни пайтда масъулияти ҳам ортишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйлайманки, сиз, азизларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳаммизга қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзининг энг яқин ҳамфибри ва маслакдошларим, деб билишимни изхор этмоқчиман.

Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Мамлакатимиз бугун эришаётган юксак марралар замирида Президентимиз ташаббуси билан яратилган тараққийнинг «ўзбек модели» нечоғлик катта аҳамият касб этаётганини нафақат юртдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этиб келмоқда. Янги давлат, янги жамият қуришида асос қилиб олинган тамойилларнинг ҳаётга изчил таътиб этилаётгани, айнан ушбу жабҳада нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари фаолиятига, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг куч ва имкониятига таянганлиги, уларга бу борада кенг йўл очилгани алоҳида аҳамият касб этаётди.

Мардлик, фидойилик ва жасорат фаолият мезони бўлсин!

Жумладан, жамиятнинг барча жабҳасида бўлгани каби ахборот соҳасида ҳам тизимли ва самарали ислохотлар изчиллик билан амалга оширилиб, бу борада халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган тамойилларига тўлиқ жавоб берадиган қонунчилик асослари шакллантирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу асосда фаолият юритаётган журналистлар жамиятда бўлаётган янгиликларни, ислохотлар моҳиятини халққа етказиш баробарида уларни янги мазмун билан бойитиш ва янада чуқурлаштиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келаётди. Давлатимиз раҳбарининг кунини кеча, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригидан эътироф этилганидек, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўлами, инсон ва жамият ҳаётини кўришга таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.



Дарҳақиқат, бугун ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилолмаймиз. Шу боис ҳам соҳанинг бугунги кун талаби даржада фаолият кўрсатиши учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида

ҳам ахборот соҳасидаги муносабатларни тубдан янгилаш, соҳага бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириш, ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга оид вазифалар белгиленди ва улар айни пайтда ҳаётга таътиб этилаётди.

(Давоми тўртинчи бетда)

2-iyul — O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbi qabul qilingan kun

Фахру нуруримиз тимсоли

Ҳар бир муштақил давлатнинг ўз рамзлари бўлади. Давлат байроғи, герби, мадҳияси ана шундай тим-соллар сирасига қиради. Эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш гояси Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган мамлакатимизнинг давлат рамзлари — байроқ, мадҳия, гербимизда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.



1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Давлат герби тасвири шу санадан эътиборан мамлакатимиздаги барча давлат ташкилотлари бинolari пештоқига ўрнатилди. Олий рамзимиз тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортлари ҳамда қонунда белгилан-

ган бошқа ўринларда акс этирилди. Ушбу муборак санага ҳадемай йиғирма йил тўлади. Шу вақт мобайнида бизни эркин ва озод миллат сифатида дунёга танитган, халқимизнинг ор-номуси, гурури, миллий қадри-

ятлари, тарихий хотираси ва оруз-интилишларини ўзида мужассам этган ушбу муқаддас рамз бугун ҳам бир юртдошимиз учун ҳар қисмиз фахру ифтихор манбаига айланди.

Ҳа, давлат рамзлари истиқлол руҳи, бунёдкорлик шуқуқи билан яшаётган халқимизни янги-янги марралар сари илҳомлантирмоқда, юртимиз равангага муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Одил судлов ва судья масъулияти

Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқич-ма-босқич ислоҳ қилиш, суднинг муштақиллигини таъминлаш, судни инсон ҳуқуқ ҳақда эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган том маънодаги муштақил давлат ҳокимиятига айлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.



Айтиш керакки, ўтган даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилинди. Суд ишларини қайта қўришнинг апелляция тартиби амалга жорий этилди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўлиқ ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

Жинойят қонунчилигининг либераллаштирилгани — суд-ҳуқуқ ислохотларининг ўзига хос муҳим босқичини бошлаб берди. Соҳага ярашув институтининг жорий этилиши билан қонунчиликда халқимизга хос бағрикенглик, кеңиримлик тамойиллари янада кенгроқ акс этирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
Амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад эса, фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашдан иборат. Бу эса, судьялар ва суд ходимлари

судьялари ва суд ходимлари иштирок этиб, суд амалиёти билан боғлиқ масалалар — судьялар зиммасига муҳим вазифалар, ҳусусан, фуқаролик ишларини кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Xabar

Одил судлов ва судья масъулияти



зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Бу борада мунтазам равишда судьялар ва суд ходимларининг малакасини ошириш, уларни суд амалиёти билан таништириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий судида навбатдаги ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда одил судловни амалга оширишда қонун талабларига риоя этиш, қонунчиликни қўллашда вужудга келаятган айрим муаммолар ва уларнинг ечими ҳусусида атрафли фикр юритилди. Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва Олий суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур семинарда Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлари судлари


Семинарда «Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаракатларини ундириш амалиёти», «Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти», «Мерос билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича суд амалиёти» мавзуларида маърузалар тингланди, айрим қонун нормаларини қўллаш юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди. Тадбирда сўзга чиққанлар суд амалиётида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганига тўхталиб ўтилди. Масалан, баъзи ҳолларда фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш мuddатларига риоя этилмаётганиги, ушбу тоифадаги ишларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши ҳолатлари мавжудлиги таъкидланди. Семинарда судьяларга бундай камчиликларни бартараф қилиш ва келгусида йўл қўймаслик юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Уз мухбиримиз

Sabog

Шартнома мажбурияти у тарафлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди

Шартнома — субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим асоси бўлиши билан бирга, уларнинг ўз вақтида бажарилиши иқтисодиёт ривожининг муҳим омиллари ҳам ҳисобланади.



Шу боис адлия идоралари томонидан шартномавий муносабатларда қонун талабларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан шартномаларнинг қонуний тузилиши ва бажарилишини таъминлаш, назорат қилиш чора-тадбирлари изчил таъминланаётган. Шартнома интизомини бузган ҳамда бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш бўйича ўрганишлар ўтказилиб, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

«Фарезсизлик-Тахта» фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суд томонидан даъво аризасида кўрсатилган вазир тўлиқ қаноатлантирилиши билан бирга, «Халқобод момиги» хиссадорлик жамиятининг раиси Ж.Бердимуродовга нисбатан шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганиги учун маъмурий жазо ҳам қўлланилди. Хулоса қилиб айтганда, шартнома ана шундай юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Унга беписанд муносабатда бўлиш нафақат мажбуриятларнинг мажбурий бажарилиши, балки бошқа жавобгарликка ҳам сабаб бўлади. Шундай экан, бурчни ўз вақтида бажариш, шартнома шартини адо этган субъектлар фаолияти ривожланиб бораверади.


З.ХОДЖАХМЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
Тарихга назар ташласак, герб, яъни тамга қадим-қадимдан муайян мамлакат ёхуд ҳудудда яшайдиган турли миллат ва элатларнинг орзу-интилишлари, тафаккур тарзи, ўзига хос табиий ва ҳўжалик хусусиятларини ифода этганини кўра-миз. Давлат ишларини юритиш ҳамда халқаро муносабатларни амалга оширишда қўлланиладиган муҳрларга, пулларга, со-вут ва қурол-ярроқларга герб тасвири туширилган.

Буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур давлатининг ҳам герби бўлган. Улуғ бобомизнинг шавкатли аскарлари жангу жадалларга туғ ва тамгасини баланд кўтарган ҳолда кириб борган. Бу эса, қўшинга зафар кучишда рухий мадад, куч-қувват бўлиб хизмат қилган. Мустақил давлатимиз герби ҳам улкан ғоявий-тарбиявий аҳамиятга молик тимсол бўлиб, уни кўрганимиз ҳамон шундай бетакрор қудратли мамлакатда яшаётганимиздан фахр-ифтихор туйғуларини хис этамиз. Давлатимиз гербида гуллаган водий узра нур сочаётган кўёш тасвирланган. Бу заминимизнинг серкўёшлигига, нурли-нурафшон манзил эканига ишора. Баланд тоғлараро шовуллаб оқаятган дарёлар ҳаёт боқийлиги рами бўлса, ернинг сўл томонидаги бугдой тасвири ризқ-рўзимиз бутунлигидан, ўнг томонидаги пахта сурати туширилган чамбар юртдошларимиз қалби, нияти поклигидан, бекиёс миллий бойликларимиздан далолат. Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипслигининг рами сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Мазкур мусамман ичида жойлашган ярим ой ва юлдуз халқимизнинг имон-этиқодига хос кутлуг рамзалардир. Гербимиз марказида эса, ҳиммат, олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Хумо қушининг қанотларини ёзиб парвозга шайланган тургани ифодаланган. Бу ҳам халқимизга хос эзгу

2-iyul — O'zbekiston Respublikasi Davlat gerbi qabul qilingan kun

Фахру ғуруримиз ТИМСОЛИ



орзу-умидлар ифодасидир. Зе-ро, халқимиз Хумони азал-азалдан бахт ва давлат куши сифатида тасаввур этиб келган. Тамгаимиздаги ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинчилик, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ўзида намо-

публикаси Президентини дево-ни, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари би-нолари, чет эллардаги мамла-катимиз дипломатия ваколатхо-налари ва консултия муассаса-ларининг пештоқига ўрнатила-ди.

Президентимиз таъкидла-ганидек, давлат рамзлари — бай-роқ, герб, мадҳия Ўзбекистон хал-қининг шон-шухратини, ғурурини, тарихий хотирасини, интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъозлаш ўзи-нинг кадр-қимматини, ўз мамлака-тига ва шахсан ўзига бўлган ишон-чи мустаҳкамлаш, демокдир.

2010 йил 24 декабрда «Ўзбе-кистон Республикасининг дав-лат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбеки-стон Республикасининг Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Шу ўринда уш-бу қонун моҳиятига тўхталади-ган бўлсақ, унда давлат рам-зларидан қаерда, қандай фойда-ланиш қоидалари аниқ белги-лаб берилди. Жумладан, Ўзбе-кистон Республикасининг давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳў-жатларида бошқача тартиб бел-гиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса, қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди.

Давлат рамзлари, хусусан, давлат байроғи ва давлат гер-би давлат органлари ва таш-килотларнинг бинолари, маж-лис заллари, хизмат хоналари,

жамоат жойлари, Ўзбекистон Республикасига хорижий дав-латларнинг расмий делегация-лари ташрифи муносабати бил-лан, Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тузилмаларида мажбу-рий қўйилади ва жойлашти-рилади. Нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташки-лотлар томонидан улардан фой-даланиш таъқиқланмаган ва ай-ри вақтда уларга нисбатан зар-рур ҳурмат таъминланган ҳол-да, умуммиллий байрамлар ва тантанали тадбирлар вақтида амалга оширилиши мумкин. Фақат давлат байроғи ва дав-лат герби элементларини но-давлат ташкилотлари ҳўжатла-рининг реквизитлар ёки рекла-ма материалларида қўйишга йўл қўйилмайди.

Янги қонун асосида давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳўжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белги-ланган бўлиб, Ўзбекистон Рес-публикаси ёки Қорақалпоғис-тон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳўжатларини бузиш фу-қароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида шунга айтиш керакки, Ватан каби азиз, йў-лимизни ёритувчи маёқдек нурли ва мўътабар давлат рамз-ларимизни эъозлаш, уларга содик бўлиш ҳаётимиз мезони бўлсин. Зотан, давлатимиз раҳ-бари таъкидлаганидек, мана шу муқаддас рамзаларни эъозлаш орқали биз ўзимизнинг кадр-қимматимизни чўқур англаган ҳолда юртимизга ва унинг ёруғ келажакка бўлган ишончимиз-ни мустаҳкамлаб бораверамиз.

Муаттархон РЎЗИБОВ

Мамлакатимизда амалдаги Ер кодекси ва ер тўғрисидаги бошқа қонун ҳўжатларининг асосий вазифаси бутунги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш ва яхши-лаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, бу борадаги муносабатларни тартибга солиш ва қонунийликни таъминлашдан иборатдир.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Ер кодекси-ни татбиқ қилишда суд амалиёти-да вужудга келадиган айрим маса-лалар тўғрисида»ги қарорининг 4-бандига кўра, ваколатли орган ва мансабдор шахсларнинг ер муносабатла-рига доир қарорлари ва ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар Фуқаро-лик процессуал кодексининг 26-29-боб-ларида назарда тутилган давлат идо-ралари ва бошқа идоралар, шунинг-дек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шико-ят ва аризалар бўйича иш юритиш тартибда кўрилади.

Айтиш керакки, Ер кодексининг 91-моддаси 3-қисмида мувофиқ, давлат ҳисобидagi ер участкаси ўзбошимча-лик билан эгаллаб олинганда, уни қай-тариб олиш туман (шаҳар, вилоят) ҳоки-мининг қарорига кўра, юридик ёки жис-моний шахсларга тегишли ер участка-

си ўзбошимчалик билан эгаллаб олин-ганида уни эгасига, ердан фойдаланув-чига, ижарачига ёки ер участкасининг мулкдорига қайтариш суднинг ҳал қилув қарорига кўра, амалга оширилади.

Шу ўринда бевосита миносаларга му-

Mulohaza

Ноқонуний иш — келтирар ташвиш



рожаат этсак, Қибрай тумани ҳокими-яти судга даъво аризаси билан му-рожаат қилиб, унда жавобгар И.Қур-бонов эгаллаб олган ортиқча ер май-

донини девор билан ўраб, дарвоза кургани баён этилган ва ушбу қури-лишларни буздириш ҳамда ерни дав-лат эгаллигига қайтариш сўралган.

Фуқаролик кодексининг 212-модда-сига кўра, қонун ҳўжатларида белги-

ра ва қурилиш нормалари ҳамда қои-даларини жиддий тарзда бузган ҳол-да қурилган уй-жой, бошқа бино, ин-шоот ёки ўзга кўчмас мулк ўз-бошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Бунинг натижасида ҳуқуқлари бузилган шахс ёки тегиш-ли давлат органининг даввоси билан бундай иморат суднинг қарорига би-ноан бинони ноқонуний равишда қур-ган шахс томонидан ёки унинг ҳисо-бидан бузиб ташланиши лозим.

Суд жараёнида И.Қурбонов томон-идан Қибрай тумани, «Оқ ковок» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Олимлар» даҳасида жойлашган 17-уйнинг ёнидаги ер майдони ноқонун-ий равишда эгалланиб, девор бил-лан ўраб олинганлиги аниқланди. Фу-қаролик ишлари бўйича Чирчиқ ту-манлараро судининг ҳал қилув қа-рорига кўра, Қибрай тумани ҳоки-миятининг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, И.Қурбонов томон-идан ноқонуний равишда эгаллаб олинган ер майдонида қурилган би-нолар унинг ҳисобидан мажбурий тартибда бузилиши белгиланди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш лозим-ки, ер, энг аввало, давлат ва жамият мулкидир. Уни келажак авлодлар учун асраб-авайлаш эса, ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз саналади. Шун-дай экан, ердан ўзбошимчалик билан ноқонуний фойдаланишга ҳаракат қил-ган ҳар бир шахс қонун талаблари асосида жавоб бериши шарт. Қола-верса, ноқонуний иш фақатгина ортиқ-ча ташвиш келтиришини ҳам унутиб қўймаслик лозим.

А. ХОЛИКОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг раиси

Инсон ҳўқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва таъминлаш мамлакатимиз сиёсати-нинг устувор йўналиши, муҳим тамойилларидан биридир.
Конституцияимизнинг 13-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасида демократия умум-инсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳласиз ҳўқуқлари олий қадрият ҳисобланиши эътироф этилган. Ушбу конституциявий қондан келиб чиққан ҳолда юртимизда инсон ҳўқуқ ва эркин-ликларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаятир.

Айтиш жоизки, юртимизда фуқароларнинг эркинлигини тўла таъминлаш мақсадида барча шарт-шароитлар яра-қучга эга бўлган ҳужжатдир. Улар нафақат мамла-кат ҳудудида, балки хорижий давлатларда ишлаши, ўқиши ёки хоҳлаган жойига саёхатга бориши мумкин. Бундай имкониятлар ўз на-вбатида мамлакатлараро миграция жараёнилари фаол-лаштиришга йўл очди. Афсу-ски, айрим кимсалар бундай имконият ва шарт-шароит-лардан ўзларининг чиркин манфаатлари йўлида фойда-ланишга уринмоқда. Баъзи

фуқароларимизни алдов йў-ли билан хорижа олиб чи-киб кетишга бўлаятган ури-нишлар шулардан бири бўлиб, бу ҳолатда, афсуски, улар одам савдосининг кур-бонига айланмоқда. Шу сабабли ҳам умумжаҳон миқёсидagi муаммо ҳисоблан-ган одам савдоси билан боғ-лиқ жиноятларнинг салбий оқибатлари олдиндан чўқур анланган ҳолда ўтган йиллар мобайнида республикамизда бундай қилмишларнинг олди-ни олиш ва унга қарши ку-рашиш борасида муайян иш-лар амалга оширилди. Бу бо-

рада, энг аввало, мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шакл-лантирилди. Аммо бунга қарамасдан ай-рим кимсалар нафс кутқусига учиб, бундай разил қилмишга қўл урмоқда. ...Сардор Жумановга (баъ-зи сабабларга кўра, исм-фа-милиялар ўзгартирилди) йўл четида турган жувон таниш ту-ғулди ва у беихтиёр машина-сини секинлатди. Аёл эса, уни қирақаш деб ўйлади шекилли, машина ой-наси томон эгилди-ю, бирдан юзи ёришиб кетди: — И-е, Сардор, ўзингизми-

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон шаъни,

сиз?! Сардор ҳам аёлни таниди. У Комила билан бир дўконда сотувчи бўлиб ишлаб юргани-да танишиб қолганди. — Онангизни кўргани келая-писизми дейман? — сўради Сардор жувон айтган манзил-ни эшитиб. — Ҳа, — деди Комила туйқ-усдан оғир хўрсиниб. — Ҳаётим ўйлаганимдек бўлмади. Яқин-да эрим билан ажрашдик. Шундан буён онам билан бир-га тураман. Уйда ўтириб ҳам зерикдим. — Агар рози бўлсангиз, мен сизга яхши иш топишга ёрдам берман, — деди Сардор унга зимдан тикилиб. — Фақат иш чет элда. Абу-Даби шаҳрида

бир танишим заргарлик дўко-ни очган, ўша ерда ишлаш учун сизга ўхшаш қизларни изла-ётгани. Эшитишимга қара-ганда, ишчиларига ҳам яхши маош тўларкан. — Майли-ку, лекин... — Ко-мила ниманидир айтишга ис-тихона қилиб, жимиб қолди. — Йўлқира, ҳўжатларни тўғрилаш ҳақида сира ўйла-манг, — деди шунда Сардор аёлнинг мушуқлини осон қилиб. — Барчасини ўзим тай-ёрлайман. Ишлаб, бойиб кет-ганда қайтарарсиз. Сардор ўзи айтганидек, елиб-югуриб, Комиланинг хо-рижга кетиши учун нима зар-рур бўлса, барини ўзи тайёр-лади.

Фуқаролик қонунчилигининг такомиллаштирилиб борилаётгани, хусусан, буйруқ тартибда иш юритиш институти жорий этилгани судларга ишларни ўз вақтида, сифатли ҳал этиш имконини бермоқда. Бу нафақат суд ходимлари, балки фуқаролар учун яратилаётган қулайликлардан бири бўлди.

судья томонидан чиқарилади. Суд буйруғи чиқариладиган, судья унинг нухасини дарҳол қарздорга юборади. Қарздор суд буйруғининг нухасини олган кундан эътиборан ўн кун ичида арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга

ши мумкинлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аҳримнинг нухаслари уч кундан кечиктирилмай тарафларга кундан эътиборан ўн кун ичида арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга

биялаш муассаса маъмурияти томонидан ҳам берилиши мумкин. Шу сабабли улар ҳам суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим ҳолларда суд томонидан бу тоифадаги аризалар рад этилиши ҳам мумкин. Масалан, қарздорнинг яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса, ундирувчининг талаби ва у тақдим этган ҳужжатларни ўрганишда ҳуқуқ тўғрисидаги ариза аниқланса; ундирувчининг талаби Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасида назарда тутилмаган бўлса; арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаган бўлса; аризанинг шакли ва мазмуни Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддаси талабига жавоб бермас; давлат божи тўланмаган бўлса, судья суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризада белгиланган талаб билан биргаликда низоли бошқа талаб қўйилган бўлиб, ушбу талабларни алоҳида кўриш имкони бўлмаса, суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза қабул қилинган рад қилиниши ва ундирувчига тегишли тартибда даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд буйруғи институти ҳар томонлама қулай бўлиб, мурожаат этувчиларнинг талаблари тез ва ишончли таъминланишига хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, суд ишларини ҳам содалаштириб, унинг самарадорлигини оширишга ҳамда ортиқча харажатларнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Г. РАҲМОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг судьяси

Islohot va samara

Суд буйруғи институти ишларни кўриш сифати ва самарадорлигини оширмоқда



Агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда аҳрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аҳримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибда тақдим этилган суд буйруғини ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига беради.

Амалдаги қонунчиликда суд буйруғини чиқаришга асос бўладиган талаблар белгилаб қўйилган. Унга кўра, агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса, талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса, вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш арурати билан боғлиқ бўлмаган талаблар, ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаблар ва фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақида арз қилинган бўлса, суд аризаларни буйруқ тартибда кўриб чиқиб, ҳал қилиши мумкин.

Фуқаролик ишларининг юқорида кўрсатилган турларини суд буйруғи тартибда кўриш манфаатдор шахсларнинг процессуал ҳуқуқларини поймол қилмаган ҳолда, иш кўзгатмасдан аризани ҳал этиш имкониятини беради. Фуқаролик ишларини ҳал этишнинг бу тартиби иш кўришни оsonлаштириш билан бир қаторда шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини кафолатлайди. Иш юритишнинг бу тури манфаатдор шахсларнинг низодан холи ҳуқуқларини тезкор ҳимоя қилишга қаратилгани билан фарқланади.

Энди бевоисита суд амалиётига тўхталадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича За-

рафшон туманлараро судида жорий йилнинг биринчи чорагида 622 та иш буйруқ тартибда кўрилди. Уларнинг асосий қисмини фарзанднинг таъминоти учун алимент ва иш ҳақини ундиришни сўраб қилинган мурожаатлар ташкил этди.

Буйруқ тартибда иш кўрилиб, суд буйруғи нухаси қарздорга юборилган ёки ижрога қаратилган сўнг баъзи қарздорлар суд ишни уларнинг иштирокисиз кўриб чиққанлигига эътироз ҳам билдириши мумкин. Бироқ амалдаги қонунчиликка кўра, агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган ҳамда у қарздор томонидан тан олинган бўлса, суд муҳокамаси талаб қилинмайди ва қарздорнинг иштирокисиз ҳал этилади.


Арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида

Qilmish-qidirmish

Барака — ҳалолликда

қинғирлик эса, юзшувутлик келтиради

Инсон қайси касб эгаси бўлмасин, зиммасидаги вазифага виждонан ёндошса, ҳалолликни умр мезони деб билса, у, албатта, эътибор топади, обрў қозонади. Чунки сабр билан меҳнат қилган одам касбидан барака топади. Бундай кишиларни нафақат жамоаси, балки элу юрт ҳам ардоқлайди.



Аммо ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар таъмағирлик қилиш, ўз вазифасига лоқайдлик билан ёндашиш каби иллатларга йўл қўйиб, ёмон ном орттиради. Ҳолбуки, таъмағирлик, товламачилик эл ичида ҳам энг хунук одат сифатида баҳоланиши билан бирга, қонунчиликда ҳам жиноят деб қаралади. Жумладан, Жиноят кодексининг 214-моддасида товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, деганда, давлат органининг, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига қирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат кўрсатиши эвазига ҳақ беришни

ёки мулкый йўсиндаги манфаатни талаб қилиши тушунилади.

Хизматчининг хизмат мажбуриятларини бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳолатда ҳаракатсизлик қилиши, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришдан асоссиз бош тортиши, иш, хизматни бажаришни пайсалга солиши фуқарони қасддан ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунга, шунингдек, белгиланган муддатда ва тегишли сифатли иш бажарилиши ёки хизмат кўрсатилишига тўсқинлик қилишга йўналтирилган ҳаракатлар ҳам қиради.

Фуқаро бирор-бир шахсга унинг хизмат вазифаси доирасига қирадиган муайян ишни бажарганлиги учун ўз хоҳиши билан қўшимча ҳақ

тўлаган ҳолларда, ҳақ олган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноий жавобгарликнинг юзга келиши учун қонунга хилоф равишда талаб қилинган ҳақнинг қанчон олинганлиги, яъни ҳақ талаб қилётган шахснинг маълум ҳаракатни бажаришдан олдин ёки кейин ҳақ олиши аҳамиятга эга эмас.

Бунга мисол келтирадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг ҳукми билан судланган У.Саидов электр тармоқлари

корхонасида назоратчи вазифасида ишлаб келиб, гараз ва қонунга хилоф йўллар билан шахсий бойлик орттиришни мақсад қилган. У туман электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган йўриқнома асосида Х.Тошимовнинг уйига ташриф буюриб, хонадон эгаси «торт» ишлаб чиқариш учун уч фазали электр тармоғига ноқонуний равишда ула-ниб олганини аниқлайди. Кейин «электр тармоғидан нотўғри фойдаланаётганлиги» тўғрисида далолатнома тузиб, шу далолатномага асосан, истеъмолчи Х.Тошимовга тўланадиган жарима пули кўп миқдорни ташкил этишини айтган ҳолда, агар 700 минг сўм берса, жаримани қамайтиришини, аниқланган ҳолатни фож этмаслиги ва электр энергиясини узмаслигини билдиради. Қисқаси, уни товламачилик йўли билан ҳақ беришга мажбур қилади. Шундан сўнг У.Саидов истеъмолчи Х.Тошимов билан келишиб, 2011 йил 12 январь куни товламачилик йўли билан пул олаётган ИИБ

ҳодимлари томонидан ушланган. Суд томонидан у айбдор деб топилди, унга нисбатан қонунга мувофиқ жазо тайинланди.

Ҳа, халқимиз айтганидек, пешона тери билан келмаган бойлик ҳеч қачон буюрмайди. Нопоклик, товламачиликнинг оқибати бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шукрулло ИНОҒОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг раиси

қадр-қиммати муқаддасдир

бинобарин, унга дахл қилиш энг оғир жиноят саналади

Ҳаммаси тайёр бўлган куни Сардор унга секингина: «Қарзингиз тўрт минг бўлди, қанча тез узсангиз, шунча яхши бўларди», деди.

...Дубай шаҳри аэропортида Комилани Сардор «инсофли-диёнати аёл» деб таърифлаган Нигора кутиб олди. У меҳмонни шаҳар марказидаги тўрт хонали квартирасига бошлади. Аллақачон оқшом чўккан, шаҳар минг-минглаб чироқ ёғдусида гоят чиройли кўринарди. Бундан кўзи қувонган аёл баъзи танишларининг «Йўлаб иш қил, тагин ёмон

одамларнинг кўлига тушиб қолма», дея насиҳат қилишгани бекор гап эканини кўнглидан ўтказди. Ишлаб, тезда бойиб кетиш ҳаёлида манзилга қандай етиб келганини сезмай ҳам қолди.

Афсуски, унинг ширин орзулари Нигоранинг уйига кириши биланоқ парча-парча бўлди. «Қани, ҳозирданок ишга кириш, шундоғам сени анча кутиб қолишди!» — деди унга Нигора қўшларини чимирганча ажнабий мусиқа сандолари янграётган хоналардан бирига имлаб. — Мижоз-

нинг ёнига кир. Қарзингни тезроқ тўлашинг керак!..». Аввалига унинг мақсадини англамаган Комила ўзини тан сойтишдек тубанликка бошлашга ёртимизга қайтиб келишди.

Бу ҳаётда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Шу маънода Сардор Жуманов ҳам Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбдор, деб топилди, унга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Юқорида баён этилган воқеалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта. Тўғри, жиноятчи жазосини олди, аммо келиб қолган Феруза исмли аёл билан қочининг улдасидан чиқди. Сўнг улар ҳуқуқ-тартибот идоралари ёрдамида юртимизга қайтиб келишди.

Fuqarolik qonunchiligi

Вояга етмаганларнинг таъминот олиш ҳуқуқи

амалдаги қонунларда қатъий белгилаб қўйилган

Юртимизда оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар жорий йилда янада кенг кўлам касб этаётди. Бу эзгу сазой ҳаракатлар замирида соғлом оилани шакллантириш орқали жисмонан бақувват, маънавий етуқ, баркамол авлодни вояга етказишдек аниқ мақсадлар мужассам.

Ҳар бир фарзанд оилада, ота-онанинг меҳри, ардоғида улғайиши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ турли сабаблар билан ота-она ажрашиб кетса-да, бу болаларнинг таъминотига таъсир кўрсатмаслиги керак. Зеро, Конституциямизнинг 64-моддасига биноан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Айтиш жоизки, ота-оналар ўзларининг вояга етмаган фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ота-она вояга етмаган болаларига, шунингдек, вояга етган бўлса-да, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот беришга мажбурдир.

Фарзандларни боқиб деганда, уларнинг яшashi, улғайиши учун моддий жиҳатдан таъминлаш тушунилади.

Айтиш керакки, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилгани Ўзбекистон

қўшилган илк халқаро ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция талабларига тўлиқ мос келади. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани бу борондаги яна бир муҳим қадам бўлиб, унда бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари белгиланган. Жумладан, ушбу қонунда боланинг яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, боланинг ҳусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатланган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда фақат бир кишининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш мумкин?
Ж. ПАРПИЕВ,
Зомин тумани

— Куйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратилиши мумкин:
агар эр-хотиндан бири:
- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
- содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибда ажратилади.

— Айтинг-чи, ишдан бўшатилган нафақаси қандай тартибда берилади?
Г. НАРЗИЕВА,
Пскент тумани

— Меҳнат кодексининг 109-моддасида ишдан бўшатилган нафақаси ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинган куйидаги ҳолларда ишдан бўшатилган нафақаси тўланади:
- иш берувчининг ташаббуси билан (ҳодим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно);
- тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, Меҳнат кодексининг 106-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатлар ҳоқидан ҳодимнинг айби билан бузилган ҳоллар (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмининг яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳоказо) бундан мустасно;
- ҳодим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттириши рад этганлиги сабабли (89-модданинг тўртинчи қисми).
Ишдан бўшатилган нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Jinoyat va jazo

Инсоф — инсон зийнати

бунга зид иш тутиш пушаймонлик келтиради

Суд очерки

Яхшилик, инсофу дёнат — инсон зийнати. Ўзгаарга муносабатларда бу фазилатларга амал қилиш, айниқса, яқинларга яхшилик қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайд.

Бироқ ҳаётда ўз жигарларига нисбатан инсофсизлик қиладиганлар йўқ эмас экан.

(Давоми тўртинчи бетда)

Почаси Рустам билан опаси Нафиса (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Шавкатга қаттиқ ишонган. Ушундан 2006 йилнинг декабри эди. Қибрай тумани «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи почча билан опа Юнусобод туманининг 10-даҳасидан уй сотиб оладиган бў-

лишди. Рустам Раҳматов вилоятда рўйхатда туради. Нафисанинг фуқаролик паспорти амал қилиш муддати эса, ўтиб кетган. Бундай вазиятда, табиийки, унинг олди-сотти шартномасини расмийлаштириб бўлмайди. Куттишга эса, вақт йўқ.

Шухрат БАКАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Яққасарой тумани судининг раиси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Куч — адолатда» мухбири

Hikmat

ДОНОЛАР
ДЕЙДИЛАРКИ...

Билим олишга интиш,
чунки оқил огамнинг
билимдон бўлиши ҳам-
ма вақт хайрлидир.

Олтин ва кумуши
бўлмаган одам камба-
вал эмас, балки касб-
хунарсиз киши камба-
калдир.

Ўз фарзандингни
якши хуақ-оғобли ва
ақли бўлишга ўргат.

Кимки ёшликдан
якши хуақ-оғоб эгалла-
мас экан, улгайганда
ундан билим талаб
қилиб бўлмайди.

Тилинг ва дилинг бир
бўлмагунча, ҳақиқий
инсон бўлолмайсан.

Ўзингга ҳасад ҳисси-
ни кўзгатмагил, зеро,
кейин ундан халос бў-
лишинг амримаҳолдир.

Тўрт нарса инсонни
улуғлайди: илм, оғоб,
омонатга хиёнат қил-
маслик ва тўғрисиўзлик.

Munosabat

Мардлик, фидойилик ва жасорат фаолият мезони бўлсин!

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)
Бинобарин, соҳанинг ҳуқуқий асосла-
рини янада мустаҳкамлашга қаратилган
«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органлари фаолиятининг очиклиги
тўғрисида», «Телерадиоэшиттириш-
лар тўғрисида», «Оммавий ахборот воси-
талари фаолиятининг иқтисодий
асослари тўғрисида», «Оммавий ахбо-
рот воситаларини давлат томонидан
қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғри-
сида»ги қонунларни қабул қилиш, соҳа-
га оид амалдаги қонунларга ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш орқали уларни та-
комиллаштириш бўйича қатор ишлар
амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда оммавий
ахборот воситаларининг мамлакатимиз-
да амалга оширилаётган демократик ян-
гиланиш ва сиёсий модернизация жара-
ёнларидаги аҳамияти, таъсири, масъу-
лияти кун сайин ортиб бормоқда. Зеро,
демократик ислохотларнинг мазмун-моҳи-
ятини жамоатчиликка етказишда журна-
лист масъулияти ва унинг фаол фуқаро-
лик позицияси муҳим аҳамият касб эта-
ди. Бу борада соҳа ходимлари ўз маҳор-
ати, билими, салоҳияти ва истеъдоди
билан замонавий ахборот-коммуникация
технологияларининг имкониятлари, ахбо-
рот тўплаш ва уни жамоатчиликка еткази-
шининг усул-усулблари ҳақида етарли
малака ва кўникмаларга эга бўлиши зар-
ур.

Айниқса, ахборот соҳаси жадал сурь-
атлар билан ривожланиб бораётган, Ин-
тернет тармоғи турли давлатлар ва ми-
нтақалар ўртасидаги чегараларни очиб
бераётган бир пайтда, айрим гаврали
кучлар бу имкониятлардан ўз максадла-
ри йўлида мафкуравий кураш сифатида
фойдаланаётганини ҳам ҳисобга олиш
зарур. Шу боис ахборот оламидagi ус-
тунлик кўп нарсани ҳал этадиган ҳозир-
ги вазиятда мустақил онг ва мустақил
фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш ма-
саласи нафақат маънавий, керак бўлса,



муҳим сиёсий аҳамиятга молик масала-
дир. Демак, ёш авлоднинг қалби ва он-
гида мафкуравий бўлишга йўл қўймас-
лик, уларнинг дунёда рўй бераётган сиё-
сий жараёнлар мазмун-моҳиятини ва асл
сабабларини чуқур англаши, тўғри ид-
рок эта олиши, энг муҳими, ўз қатъий ду-
рларидан асраш, уларни мустақил фикр-
лайдиган, миллий ва умуминсоний қад-
риятлар руҳида камол топтиришда омма-
вий ахборот воситаларининг масъулияти-
ни ошириш устувор вазифа эканини ало-
ҳида таъкидлаш жоиз.
Президентимиз алоҳида таъкидлагани-
дек, **айни вақтда барчамизга якши
аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, му-
раккаблашиб бораётган замоннинг**

**ўзи, тобора кучайиб бораётган турли
таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот
воситалари олдида ўткир ва масъули-
ятли талабларни қўймоқда.**
Дарҳақиқат, мамлакатимизда оммавий
ахборот воситалари соҳасига кўрсатила-
ётган юксак эътибор уларни янада либе-
раллаштириш, эркинлиги ва мустақилли-
гини амалда таъминлашга хизмат қил-
моқда. Бу эътибор ва рағбатга жавобан,
матбуот ҳам давлатимиз мустақиллигини
мустаҳкамлаш, миллий ўғани кенг тар-
иби этиш, овоз ва обод Ватан, эркин ва
фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадлар-
ни ҳар қайси инсоннинг олдида, маъна-
вий оламида кенг қарор топтириш йўли-
да муносиб ҳисса қўшиши лозим.
Шухрат ДЕХҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Фуқаролик қонунчилиги

Вояга етмаганларнинг таъминот олиш ҳуқуқи амалдаги қонунларда қатъий белгилаб қўйилган

**(Давоми. Бошланиши
учинчи бетда)**
Маълумки, Оила кодексига
биноан, ота-она вояга етмаган
болаларига таъминот бериши
шарт. Вояга етмаган болала-
рига таъминот бериш мажбу-
риятини ихтиёрий равишда
бажармаган ота-онани суд-
нинг ҳал қилув қарори ёки суд
буйруғига асосан алимент ун-
дирилади.

Агар вояга етмаган болала-
рига таъминот бериш ҳақида
ота-она ўртасида келишув
бўлмаса, уларнинг таъминоти
учун алимент суд томонидан
ота-онани ҳар ойдаги иш
ҳақидан бир бола учун —
тўртдан бир қисми, икки бола
учун — ундан бир қисми, уч
ундан ортиқ бола учун — ярми-
си миқдориди ундирилади.
Ҳар бир бола учун ундирила-
диган алимент миқдори қонун
ҳужжатлари билан белгилан-
ган энг кам иш ҳақининг ундан
бир қисмидан кам бўлмасли-
ги керак.

Алимент ундиришда бола-
нинг ота-онаси ўзaro никоҳда
эканлиги ёки улар ўртасидаги
никоҳ тугатилгани аҳамиятли
эмас. Алимент ундириш учун
тутилганлик ҳақидаги гувоҳно-
мада оталик тўғрисидаги ёзув
ҳамда болага ихтиёрий ра-
вишда таъминот беришдан
бўйин товлаш асос бўлади.

Масалан, давлоғар Х.Қурбо-
нова судга даъво ариза билан
мурожаат қилиб, жавобгар би-
лан 2006 йилда турмуш қуриб
қонуний никоҳдан ўтганлиги,
ўрталарида икки нафар фар-
занди борлиги, 2011 йилдан
буён у икки боласи билан ота-

онасининг уйда яшаётганли-
ги, жавобгар моддий ёрдам
кўрсатмаётганлиги, шунинг
учун унинг ойлик иш ҳақи ва
бошқа даромадининг ундан
бир қисми миқдориди али-
мент ва кичик фарзанди уч
ёшга тўлгунга қадар ўзининг
таъминоти учун ҳар ойда
150.000 сўмдан қатъий али-
мент ундиришни сўраган. Фу-
қаролик ишлари бўйича Кар-
мана туманлараро суднинг
ҳал қилув қарори билан дав-
во қисман қаноатлантирилди.

Ҳаётда баъзи сабабларга
кўра, ота-она ўртасидаги ни-
коҳ муносабатларининг узил-
лиши болаларнинг моддий
таъминотида таъсир этмасли-
ги керак. Халқимизнинг кўп
асрлик анъаналари ва руҳи-
ятига ҳам, халқаро ҳуқуқ ва
инсонийлик мезонларига ҳам
мос ана шу қоида алимент му-
носабатларини тартибга со-
лиш соҳасидаги қонун ҳуж-
жатларимизга киритилиши
ва ижро этилиши фарзанд-
ларнинг бекаму кўст вояга
етишида муҳим аҳамият касб
этади.

Хулоса қилиб айтганда, энг
аввало, ҳар бир фарзанд ота-
она меҳри ва ардоғида ул-
гайсин. Шундангана у ҳар
томонлама етуқ, чинакам комил
инсон бўлиб вояга етади. Бу-
ни ҳар-бир ота-она чуқур ҳис
этиб, фарзанди келажаги учун
масъул эканини унутмаслиги
керак.

**Гулнафис
ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
фуқаролик ишлари бўйича
Кармана туманлараро
судининг судьяси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Уй эгаси Валентина Ким пул заруриги учун
уйни тезроқ расмийлаштиришни текилиш
қилиб турарди.

Шунда кутилмаганда Рустамнинг ёдига қай-
нукаси Шавкат тушди: «Қўлингизни
— Ҳозирча уйни Шавкатнинг номига расмий-
лаштирсак, — деди у Нафисага. — Кейинроқ
ўзимизнинг номимизга ўтказиб оламиз.

Бу тақлиф Нафисага ҳам маъқул тушди. Ахир,
Шавкат бегона эмас, жондек азиз укаси-ку?! Хул-
лас, 2006 йилнинг 12 декабрида нотариал идо-
рада В.Ким номидаги тўрт хонали уй Шавкат
Зириллаев эгалигига расмийлаштирилди. Уй
учун барча харажатлари Р.Раҳматов тўлади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ўшан-
да Шавкат эндигина Йигирма бир ёшга тўлган,
кўнгли очик йигит эди.

Аммо орадан уч-тўрт йил ўтиб, унинг табиати-
да галати ўзгариш бўй кўрсатди. Аникроқ айт-
ганда, поччаси билан опасининг ишончини су-
истеъмоқ қилган Шавкат нопок ишга қўл урди.
Айни шу мақсадда ўзининг номига расмийлаш-
тирилган уйнинг ҳужжатларини қўлга киритиб,
сўнг уларни қайтариб беришни пайсалга сол-
ди. Унинг бу хатти-ҳаракати замирида эса, гавра-
лини ётганди. У М.Ибодуллаевага опаси ва уч
нафар жиғини яшаб турган, ўзининг номига қону-
ний рўйхатдан ўтказилган уйни 55 миллион сўмга
сотиб юборди. Шавкатнинг фирибгарлигидан поч-
часи ҳам, опаси ҳам, табиийлиги, беҳабар қолди.

Фақат унинг янги эгаси кўчиб келадиган
бўлгач, сир очилди. Бироқ Шавкат айбини
ҳаспўллаш учун устига фирибнинг бошқа бир
тўнтини қияди. Эмишки, Муборак яннинг ўғли
Одилжон Ибодуллаев уйни нотариал идорада
расмийлаштиргач, пулини беришга ваъда қилиб,
алдаганмиш.

Эчликлик экан, инсофли, диёнатли кўни-қўш-
нилар Шавкатга бу иши якши эмаслигини ту-
шунтиришгач, у айбини тан олади. Опаси ва
жиғинлари кўчада қолмаслиги учун уй олиб
бериши ҳақида тилхат ёзиб беради. Афсуски,
бу ҳам унинг қариндошларини тинчлантириш
учун ўйлаб топган навабдаги найрағон экан. Чунки
суриштирув, дастлабки тергов ва ниҳоят, судда
ҳаммасига оидлилик киритилди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган
Ш.Кўлдошевнинг кўрсатма беришича, у судла-
нчи Шавкат Зириллаевни 2009 йилдан буён
таниди. 2010 йилнинг март ойи охирида
Шавкат Зириллаевнинг қўл телефони кўнги-
роқ қилиб, Юнусобод туманининг ўнчинчи да-
ҳасидаги тўрт хонали хонадонини сотмоқчи
эканлигини маълум қилади. Шундан сўнг
Ш.Кўлдошев таниши О.Ибодуллаевага бу ҳақида
айтади. Негаки, О.Ибодуллаев онаси Муборак
аяга уй олиб бериш ниятида юрганганидан унинг
хабарни бор эди. Эртаси кўни Шавкат Зирил-
лаев, О.Ибодуллаев ва Ш.Кўлдошевлар қаҳва-
хонада учрашиб, сотилажак уй ҳақида гаплашиш-
ган. Кейинги кўни маклор Т.Турсунов билан
бирга Ш.Зириллаев иштирокида харидор уйни
бориб кўрган ва савдоллашган.

Бошқа бир гувоҳ О.И.Саидқулловнинг кўрсатма
беришича, у О.Ибодуллаев билан бирга тадбир-

Jinoyat va jazo



корлик билан шуғулланади. И.Саидқуллов О.Ибо-
дуллаев кўнгироқ қилгач, унинг онаси Муборак
аяга учрашган ва қоғоз кутига солинган пулларни
Одилжон, Шавкат ҳамда Ш.Шукур Кўлдошев ўтирган
қаҳвахонага олиб бориб берган. Юқорида баён
этилган далиллардан сўнг Шавкат Зириллаевнинг
фирибгарлиги тўлиқ исботини топди.

Суд судланувчи З.Зириллаевнинг жиноий
ҳаракатларини муҳокама қилиб, уни Жиноят ко-
дексининг бир қатор моддаларида кўрсатилган жи-
ноятларни содир этганликда айбдор, деб топди.
Унга қилмишига яраша адолатли жазо тайинлан-
ди. Шунингдек, суд ҳукмида судланувчи З.Зи-
риллаевдан Рустам Раҳматов ва Нафиса Раҳматов-
валар фойдасига 55 миллион сўм ундирилиши
қайд этилди.

Маълумки, одамлар ўртасидаги муносабатлар-
ни меҳр, оқибат, самимият каби туйғуллар мус-
таҳкамлайди. Шу маънода ҳаммага қўлдан келган-
га яхшилик қилиш, кўмак бериш, ҳеч кимнинг ди-
лга озор бермаслик юксак инсоний фазилат
ҳисобланади. Таассуфки, айрим кимсалар ана шу
ҳаётий ҳақиқатни англаб етмайди. Ахир, юқори-
да баён этилганга ўхшаш ўз жигарларига панд
беришни ўйлаган кимсанинг қилмишларини
оқлаб бўладими?! У энди қинларининг олдида
бир умр хижолатда қолди, кирдиқорларнинг жабе-
рини тортадиган бўлди. Бинобарин, ушбу воқеа-
ни баён этишдан мақсад ҳам меҳр-оқибатни қад-
рлаш, ишончини оқлаш ўзaro муносабатларни яна-
да мустаҳкамловчи ришта эканини эслатиб
қўйишидир.

Умид ДАВРОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Юнусобод тумани судининг раиси

Куч—АДОЛАТДА
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ХАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ХАЙДАРОВ
Мавжуда РАҲАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Мухаммад АЛИ
Омонбой ОКҲУЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек
САФАРОВ
Саҳифаловчи
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Буюртма: Г-616. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нархда. Адади: 6677.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20° Топширилди: 21°